

**Билимлар беллашувининг
учинчи (вилоят) босқичини
ташқил этиш тўғрисида**



**Республика таълим маркази бўлим
бошлиғи Сафарали Хамраев**

Умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этишдан мақсад:

Умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг бажарилиш ҳолатини мунтазам ўрганиб таҳлил қилиш, ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни ўз вақтида тўлдириш чораларини кўриш;

Юқори натижага эришган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва мактаб педагогик жамоасини рағбатлантириш ҳамда тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;

Ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини қуйи синфлардан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш ҳамда уларни тизимли равишда халқаро олимпиада ва танловларга тайёрлаш учун шарт-шароит яратиш;

Ҳар бир ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятига таълим сифати орқали баҳо бериш ҳамда рейтингини аниқлаш.

Халқ таълими вазирининг 2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан Билимлар беллашувини ташкил этиш ва ўтказиш тартибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

1) 6-банд: 4-синф ўқувчилари ўртасида она тили, математика, чет тили фанларидан “Билимлар беллашуви”нинг биринчи, яъни мактаб босқичини ташкил этиш тавсия этилди (эски Низомда 4- синфлар умуман иштирок этмасди);

2) 6-банд: 5-6-синф ўқувчилари “Билимлар беллашуви”нинг фақатгина биринчи ва иккинчи босқичида, яъни мактаб ва туман босқичида иштирок этиши кўзда тутилди (эски Низомда 5-6 синфлар учинчи босқич, яъни вилоят босқичига ҳам иштирок этишарди);

3) 8-банд: Барча босқичларда ғолиблар 76 балл ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчилар орасидан аниқланиши жорий этилмоқда (эски Низомда ғолиблар 55 ва ундан юқори балл тўплаганлар орасидан аниқланарди, яъни “3” баҳо билан ҳам ғолиб бўлиш мумкин эди);

Халқ таълими вазирининг 2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан Билимлар беллашувини ташкил этиш ва ўтказиш тартибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

4) 17-банд: Иштирокчиларга беллашув вақтида ёзма ишларидаги хатоларини бўёвчи воситалар (штрих)дан фойдаланган ҳолда тузатишлар киритишлари тақиқланмоқда (янги банд киритилмоқда);

5) 6- банд: Беллашувнинг 3-босқичи апрель ойининг охириги ўн кунлигида ўтказилади (эски Низом бўйича эса май ойининг охириги ўн кунлигида ўтказилар эди, бу эса ўқув йилини якунида ўтказиладиган синфдан-синфга кўчириш босқичли назорат имтиҳонлари ва 9-синф битирувчиларининг якуний аттестациясига салбий таъсир кўрсатар эди);


6) 12-банд: Беллашувнинг 3 ва 4 босқич тест жараёнлари **ОНЛАЙН** тариқасида ўтказилиши режалаштирилмоқда (янги банд киритилди);

7) **50-банди** Беллашувнинг 3-босқичи учун фанлар кесимида назорат материалларини (ёзма ва лаборатория ишлар) ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари томонидан вилоят методика маркази билан ҳамкорликда тайёрланиб, махфийлиги таъминланган ҳолда беллашувнинг учинчи босқичи ўтказиладиган куни беллашув бўлиб ўтаётган таълим муассасасига етказиш белгиланди (эски Низомда вилоят босқичи материалларни ХТВ ва Республика таълим маркази томонидан тайёрланиши белгиланган эди);

8) **7-банди** Беллашувнинг барча босқичларида 1-ўринга битта, 2-ўринга иккитагача (баллари тенг бўлиш шарти билан), 3-ўринга учтагача (баллари тенг бўлиш шарти билан) даъвогарлар бўлиши мумкинлиги жорий этилмоқда (эски Низомда 1 та 1-ўрин, баллардаги тафовутдан қатъий назар кетма-кетлик бўйича 2 та 2-ўрин, 3 та 3-ўрин белгиланар эди);

9) Беллашув иштирокчиларининг танлов давомида қандай балл тўплашларидан қатъий назар таълим муассасаларига ва халқ таълими бошқарув идораларига чегирма балларини қўллаш назарда тутилмади. Аксинча уларнинг рейтинг ўринлари, ўқувчиларнинг ўртача тўплаган баллари асосида белгиланиши тавсия этилмоқда (эски Низомда чегирма баллари мавжуд эди).

Билимлар беллашувини ўтказиш муддатлари



Билимлар беллашуви умумтаълим мактабларининг 5-6 синфларида икки босқичда, 7-8 синфларда тўрт босқичда ўтказилади.

Билимлар беллашувининг 1-(мактаб) босқичи

**5-6-7-8-синф ўқувчилари
ўртасида**

2017 йил 5-10 январь

(қишки таътил кунлари)

барча ҳудудларда ўтказилди

Билимлар беллашувининг 1-(мактаб) босқичи натижалари (иштирокчилар сони)

№	Худуд номи	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	фарқи
1	Қорақалпоғистон Республикаси	107 039	104600	-2439
2	Андижон вилояти	166 580	177212	+10632
3	Бухоро вилояти	105 273	109927	+4654
4	Жиззах вилояти	136 302	138739	+2437
5	Қашқадарё вилояти	247 373	257560	+10187
6	Навоий вилояти	56 348	62997	+6649
7	Наманган вилояти	140 509	105805	-34704
8	Самарқанд вилояти	153 810	163978	+10168
9	Сирдарё вилояти	77 194	73575	-3619
10	Сурхондарё вилояти	96 384	153947	+57563
11	Тошкент вилояти	147 076	170579	+23503
12	Фарғона вилояти	175 653	177208	+1555
13	Хоразм вилояти	96 982	202603	+105621
14	Тошкент шаҳри	83 357	84913	+1556
	Республика бўйича	1 789 880	1983642	+193762

Билимлар беллашувининг 1-(мактаб) босқичи натижалари (ўртача баллар бўйича)

№	Худуд номи	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	фарқи
1	Қорақалпоғистон Республикаси	64,5	72,6	+8,1
2	Андижон вилояти	68,0	69,6	+1,6
3	Бухоро вилояти	68,8	67,3	-1,5
4	Жиззах вилояти	71,5	72,6	+1,1
5	Қашқадарё вилояти	67,3	68,0	+0,7
6	Навоий вилояти	72,8	73,5	+0,7
7	Наманган вилояти	73,2	79,9	+6,7
8	Самарқанд вилояти	75,3	73,9	-1,4
9	Сирдарё вилояти	69,3	68,9	-0,4
10	Сурхондарё вилояти	73,6	78,2	+4,6
11	Тошкент вилояти	69,7	69,3	-0,4
12	Фарғона вилояти	70,2	64,9	-5,3
13	Хоразм вилояти	71,9	76,8	+4,9
14	Тошкент шаҳри	65,0	74,0	+9,0
	Республика бўйича	70,1	72,1	+2,0

Билимлар беллашувининг 1-(мактаб) босқичи натижалари (фанлардан ўртача баллар бўйича)

№	Фан номи	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	фарқи
1	Она тили ва адабиёт	72,4	75,4	+3,0
2	Рус тили (миллий мактаб)	70,1	72,7	+2,6
3	Рус тили ва адабиёт (рус)	71,2	72,1	+0,9
4	Ўзбек тили (Давлат тили)	70,2	70,9	+0,7
5	Инглиз тили	69,4	72,1	+2,7
6	Француз тили	64,5	67,1	+2,6
7	Немис тили	66,9	69,9	+3,0
8	Тарих	70,5	73,8	+3,3
9	Давлат ва ҳуқуқ асослари	71,6	73,7	+2,1
10	Математика	69,3	72,8	+3,5
11	Информатика	68,1	71,1	+3,0
12	Физика	68,8	71,8	+3,0
13	Кимё	68,2	70,7	+2,5
14	Биология	69,2	73,0	+3,8
15	География	69,1	72,9	+3,8
16	Иқтисодий билим асослари	69,1	72,6	+3,5
17	Қорақалпоқ тили ва адабиёти	69,4	73,9	+4,5
	Ўртача	70,1	72,1	+2,0

Билимлар беллашувининг 2-(туман) босқичи

**5-6-7-8 синф ўқувчилари
ўртасида 2017 йил 22-27 март
кунлари
барча ҳудудларда ўтказилди**

Билимлар беллашувининг 2-(туман) босқичи натижалари (иштирокчилар сони дастлабки маълумотлар)

Т/Р	Худуд номи	2015-2016 ўқув йили	2016-2017 ўқув йили	фарқи
1	Қорақалпоғистон Республикаси	20818	20760	-58
2	Андижон вилояти	22234	22793	+559
3	Бухоро вилояти	15341	15035	-306
4	Жиззах вилояти	15072	17404	+2332
5	Қашқадарё вилояти	33973	34992	+1019
6	Навоий вилояти	9780	9061	-719
7	Наманган вилояти	20290	21242	+952
8	Самарқанд вилояти	28355	29039	+684
9	Сирдарё вилояти	8941	9102	+161
10	Сурхондарё вилояти	25758	23237	-2521
11	Тошкент вилояти	24762	24317	-445
12	Фарғона вилояти	27282	27309	+27
13	Хоразм вилояти	15204	15833	+629
14	Тошкент шаҳри	9525	9479	+46
	Республика бўйича	277335	279603	+2268

Низомнинг 41-банди “ Иштирокчилар натижалари беллашув якунлангандан кейин 3 кун ичида Ташкилий қўмита томонидан тавсия этилган жадваллар шаклида (қоғоз ва электрон) кўринишида ҳудудий Бошқармаларга тақдим этилиши керак.

2016-2017 о'quv yilida umumta'lim fanlaridan o'tkazilgan bilimlar bellashuvining tuman bosqichi natijalari

№	Qatnashchilarning familiyasi, ismi, otasining ismi	Viloyat (shahri)	Tuman (shahri)	Maktabi	Sinf	Fani	Ta'lim tili	Ta'lim turi	Jinsi	1 turp	2 turp	3 turp	jami	ўрни
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Askarov Shuxrat Abatbay o'g'li	Qoraqalpog'iston R	Qo'ng'irot tumani	38-maktab	7-sinf	Tarix	o'zbek	umumta'lim	o'g'il	90			90	
2	Jo'rayev Asilbek Azizbek o'g'li	Andijon v	Baliqchi tumani	6-DIMI	7-sinf	Tarix	rus	ixtisoslashgan	o'g'il	96			96	3
3	Sabirbayeva Minayim Almasbay qizi	Qoraqalpog'iston R	Qonliko'l tumani	21-maktab	7-sinf	Matematika	o'zbek	umumta'lim	qiz	32	44		76	
4	Vahobjonov Zulfiqor Azamjon o'g'li	Andijon v	Marhamat tumani	3-DIMI	7-sinf	Matematika	o'zbek	ixtisoslashgan	o'g'il	41	48		89	
5	Turdimuratov Dilmuxammed Nurilla o'g'li	Qoraqalpog'iston R	Nukus shaxri	37-IDUM	8-sinf	Matematika	rus	ixtisoslashgan	o'g'il	20	46		66	
6	Botirov Saydiarxor Saydianvar o'g'li	Toshkent v	O'rtachirchiq tumani	72-maktab	8-sinf	Informatika	o'zbek	ixtisoslashgan	o'g'il	28	44		72	3
7	Obidjonov Nuriddinbek G'ulomjon o'g'li	Namangan v	Chust tuman	52-DIUM	7-sinf	Fizika	o'zbek	ixtisoslashgan	o'g'il	27	14	50	91	2
8	Mahmudov Mirjalol Sharif o'g'li	Samarqand v	Pastdarg'om tumani	28-maktab	7-sinf	Fizika	o'zbek	umumta'lim	o'g'il	24	12	46	82	
9	Kaziyeva Malika Maratovna	Qoraqalpog'iston R	Nukus shaxri	37-maktab	8-sinf	Fizika	rus	umumta'lim	qiz	30	14	38	82	
10	Kamoliddinov Behzodbek Akmaljon o'g'li	Andijon v	Baliqchi tumani	38-DIMI	8-sinf	Fizika	o'zbek	ixtisoslashgan	o'g'il	29	12	46	87	
11	O'rinboev Akbarjon Ulug'bek o'g'li	Qoraqalpog'iston R	To'rtko'l tumani	30-maktab	8-sinf	Kimyo	o'zbek	umumta'lim	o'g'il	30	20	46	96	1
12	Akramov Shaxzod Xusniddinovich	Buxoro v	Romitan tumani	11-IDUM	8-sinf	Kimyo	o'zbek	ixtisoslashgan	o'g'il	25	15	40	80	
13	Kurramov Gulshan Sherzod qizi	Qashqadaryo v	Kitob tumani	1-DIMI	7-sinf	Biologiya	o'zbek	ixtisoslashgan	qiz	22	12	46	80	
14	Suyunova Munisa Sharifovna	Navoiy v	Zarafshon shahar	10-maktab	7-sinf	Biologiya	o'zbek	umumta'lim	qiz	22	12	48	82	3
15	Shonazarova Durдона Zokirjon qizi	Buxoro v	Buxoro shahar	35-maktab	8-sinf	Biologiya	o'zbek	umumta'lim	qiz	29	16	44	89	3
16	Karimov Ubaydulla O'tkir o'g'li	Jizzax v	Jizzax shahri	22-maktab	8-sinf	Biologiya	o'zbek	ixtisoslashgan	o'g'il	27	16	48	91	2
17	Ibragimova Lobar Sharifboy qizi	Xorazm v	Gurlan tumani	5-maktab	7-sinf	Geografiya	o'zbek	umumta'lim	qiz	33	42		75	
18	To'lg'inov Alisher Bahodir o'g'li	Toshkent sh	Yunusobod tumani	273-maktab	7-sinf	Geografiya	o'zbek	umumta'lim	o'g'il	41	34		75	

Эслатма:

Ушбу жадвал устунларга ўзгартириш киритилмасдан вилоятдаги барча туман (шаҳар)лар 5-6-7-8-синф барча иштирокчилари натижалари умумлаштирилиши ва туманлар кесимида тасдиқланган варианти илова қилиниши керак.

Ўқувчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми тўғрисидаги маълумотлар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома асосида аниқ ва тўғри ёзилган бўлиши шарт.

Ўқув фанларининг номлари ўқув режада қандай ёзилган бўлса, худди шундай бир хил ёзилган бўлиши керак. Шунингдек, таълим тури ва тилига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

**Билимлар беллашувини 3-(вилоят) босқичини
ўтказиш муддати**

**7-8 синф ўқувчилари
ўртасида 2017 йил
Апрель ойининг охириги ўн
кунлигида барча ҳудудларда
бир хил вақтда ўтказилади**

**Билимлар беллашувининг 3-(туман) босқичи
иштирокчилари сони тўғрисида дастлабки маълумотлар**

Т/р	Вилоятлар	Жами иштирокчилар сони	Шундан	
			7-синф	8-синф
1	ҚҚР	439	191	248
2	Андижон в	451	192	259
3	Бухоро в	364	156	208
4	Жиззах в	331	144	187
5	Қашқадарё в	392	168	224
6	Навоий в	287	123	164
7	Наманган в	325	138	187
8	Самарқанд в	430	188	242
9	Сурхондарё в	392	168	224
10	Сирдарё в	273	113	160
11	Тошкент в	576	288	288
12	Фарғона в	532	228	304
13	Хоразм в	298	127	171
14	Тошкент ш	434	183	251
Жами		5524	2407	3117

3-босқичнинг биринчи куни

Т.р	Фан номи	7-синф	8-синф
1	Она тили ва адабиёт	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)
2	Қорақалпоқ тили ва адабиёти	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)
3	Рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)
4	Ўзбек тили (таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)
5	Рус тили (таълим рус тилида олиб бориладиган таълим муассасаларидан ташқари)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ижодий баён (90 дақиқа)
6	Инглиз тили	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш (30 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш (10 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш (30 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш (10 дақиқа)
7	Немис тили	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш (30 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш (10 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш (30 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш (10 дақиқа)
8	Француз тили	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш, 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш, 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш

3-босқичнинг биринчи куни (давоми)

Т.р	Фан номи	7-синф	8-синф
9	Математика	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш (30 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш (10 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тинглаб тушуниш (30 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Ўқиб тушуниш (10 дақиқа)
10	Информатика		9 ⁰⁰ -Ёзма иш (5 та савол 120 дақиқа)
11	Физика	9 ⁰⁰ -Ёзма иш (3 савол, 90 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Лаборатория иши (30 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ёзма иш (3 савол, 90 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Лаборатория иши (30 дақиқа)
12	Кимё		9 ⁰⁰ -Ёзма иш (3 та савол, 90 дақиқа), 13 ⁰⁰ Лаборатория иши (30 дақиқа)
13	Биология	9 ⁰⁰ -Ёзма иш (3 та савол, 90 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Лаборатория иши (30 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Ёзма иш (3 та савол, 90 дақиқа), 13 ⁰⁰ -Лаборатория иши (30 дақиқа)
14	География	9 ⁰⁰ -Харита билан ишлаш (60 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Харита билан ишлаш (60 дақиқа)
15	Тарих	9 ⁰⁰ -Тест (50 та тест, 100 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тест (50 та тест, 100 дақиқа)
16	Давлат ва ҳуқуқ асослари		9 ⁰⁰ -Тест (50 та тест, 100 дақиқа)
17	Иқтисодий билим асослари		9 ⁰⁰ -Тест (50 та тест, 100 дақиқа)

3-босқичнинг иккинчи куни

Т.р	Фан номи	7-синф	8-синф
1	Она тили ва адабиёт	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
2	Қорақалпоқ тили ва адабиёти	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
3	Рус тили ва адабиёти	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
4	Ўзбек тили	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	9 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
5	Рус тили	11 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	11 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
6	Инглиз тили	11 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	11 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
7	Немис тили	11 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	11 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
8	Француз тили	13 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	13 ⁰⁰ -Тест(30 та савол 60 дақиқа)
9	Математика	13 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)	13 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)
10	Информатика		15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)
11	Физика	13 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)	13 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)
12	Кимё	15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)	15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 90 дақиқа)
13	Биология	15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)
14	География	15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)	15 ⁰⁰ -Тест (30 та савол 60 дақиқа)

Худудий бошқармалар Ташкилий қўмитаси қуйидаги ишларни амалга оширишлари керак:

1. Туман босқичи натижалари тўғрисидаги маълумотларни электрон ва тасдиқланган вариантларини 3 апрелдан кечиктирмасдан Республика ташкилий қўмитасига тақдим этиш;

2. Худудий халқ таълими бошқармалари ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий институтлари, жамоатчи экспертлар билан биргаликда назорат материалларини кўпвариантлик (3 та вариант) асосида махфийлиги таъминланган ҳолда экспертиза хулосалари билан ҳар ўқув йилининг 1 апрелига қадар вилоят босқичи ҳамда республика босқичи учун ҳар ўқув йилининг 1 июнига қадар вазирликка тақдим этиш (буйруқнинг 6-7 банди);

3. Билимлар беллашувини тартибли ва холисона ўтказиш мақсадида ҳакамлар ҳайъати, апелляция комиссияси ҳамда аудитория назоратчилари таркибини шакллантириш, тиббиёт хонаси, ўқувчиларнинг дам олишлари ва овқатланишлари учун етарли шарт-шароитларни яратилишини таъминлаш;

4. Беллашувни сифатли, ошкора ва адолатли ўтказилишига ҳудудий Ташкилий қўмита аъзолари шахсан масъуллиги сабабли “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, Осиё тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги лойиҳалар доирасида мактабларга етказилган видеокамералар билан фан хоналарини жиҳозлаш;

5. Иштирокчиларнинг сонидан келиб чиқиб, беллашувни ўтказиш учун таълим муассасасини белгилаш, фанларга мос равишда хоналар жиҳозлаб, тайёрланишини назорат қилиш, ҳар бир хонага беллашув ўтадиган синф ва фан номи ёзиб қўйилишини ташкиллаштириш.

6. Беллашув етарли моддий-техник базасига эга бўлган, барча туман(шаҳар)лардан келиб-кетиш учун транспорт қатнови қулай бўлган таълим муассасаларини танлаш,

7. Иштирокчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, овқатлантириш ва зарур ҳолларда ётоқхона билан таъминлаш чораларини кўриш;

8. Беллашув ўтадиган ҳар бир мактабни фанлар кесимида 2мб/с кам бўлмаган тезликдаги (Tash ix) интернет тармоғига уланган 160 та компьютер (ноутбуклар) билан таъминлаш;

9. Беллашувни ёзма ва амалий топшириқларини ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари томонидан вилоят методика маркази билан ҳамкорликда тайёрланиб, махфийлиги таъминланган ҳолда етказиш;

10. Беллашув **иштирокчилари, уларнинг ўқитувчилари, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни** Билимлар беллашувини ўтказишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари (Низом, Баҳолаш мезонлари, Ўтказиш тартиби) билан ёзма равишда таништириш;

11. Иштирокчиларни автоматлаштирилган электрон дастур орқали ОНЛАЙН-ТЕСТ жараёнига тайёрлаш;

12. ОНЛАЙН-ТЕСТ жараёнини ўз вақтида ўтказиш учун электр тармоғидаги узилишларни олдини олиш чораларини кўриш (электр таъминоти хизматига хат бериш, имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муқобил электр манбаалари “движоклар” тайёрлаш);

Мурожаат учун телефон:

0-371-245-05-47

+99893-385-69-06

rtmmonitoring@umai.uz

rtmmonitoring@inbox.uz

Эътиборингиз учун раҳмат!